

<p>Ўзбекистон Республикаси МЧЖ шаклидаги “AUDIT-HISOB MARKAZI” аудиторлик ташкилоти</p>		<p>Республика Узбекистан АО в форме ООО “AUDIT-HISOB MARKAZI”</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсатномасига эга бўлган Аудиторлик ташкилотлари реестрига кирган</p>		<p>Включён в реестр аудиторских организаций, имеющих разрешение Министерство финансов Республики Узбекистан</p>

Хисоботдан фойдаланувчиларга
Жамият акциядорлари ва раҳбариятига

**«ДЎСТЛИҚДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ (СТИР: 200 998 865) нинг
2023 йил 31 декабр санасига тузилган молиявий хисоботлари юзасидан
АУДИТОР ХУЛОСАСИ**

Аудитор фикри

Биз корхонанинг қуйидаги молиявий хисоботлари ва у билан боғлиқ ахборотлар аудитини ўтказдик:

- 2023 йил 31 декабр санасига тузилган “Бухгалтерия баланси”;
- кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган “Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот”;
- ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлар.

Бизнинг фикримизча, корхонанинг илова қилинган молиявий хисоботлари «ДЎСТЛИҚДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ нинг 2023 йил 31 декабр санасига бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) га мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисоботлар жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз “Молиявий хисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти” номли бўлимда баён қилинган.

Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Мустақиллик

Биз аудит қилинаётган корхонага нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ ва «ДЎСТЛИҚДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ нинг молиявий хисоботлари аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик.

Муҳимлик

Ўтказилган аудиторлик текшируви кўламини аниқлашга муҳимлик даражасини қўллаш ўз таъсирини кўрсатган. Аудит текширилаётган молиявий хисобот муҳим бузиб кўрсатишларга эга эмаслиги юзасидан оқилона ишонч ҳосил қилишга йўналтирилган.

Муҳим бузиб кўрсатишлар корхона ходимларининг фаолият давомида амалга оширган ноқонуний ҳаракатлари ва хатоликлари натижасида юзага келиши мумкин.

Муҳимлик даражасини аниқлашда биз халқаро амалиётда қўлланилаётган услубиётга асосланган ва аудитор ҳисоботида илова қилинган ҳисоб-китобни амалга оширдик ва корхонанинг 2023 йил учун молиявий хисоботлари бўйича унинг даражасини тушумга нисбатан 5 % миқдорида белгиладик.

Аудитнинг муҳим саволлари

Аудитнинг муҳим саволлари - булар бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра жорий давр учун тузилган молиявий хисоботлар бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Мазкур йўналишда биз эътиборимизни корхонанинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, солиқ тўловлари, соф фойдаси ва унинг ишлатилишини ўрганишга қаратдик ва аудитор ҳисоботида бу борада ўз фикримизни билдирдик.

Бошқа ахборот

Аудитни ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисоботлар ўртасида муҳим зиддиятлар бор йўқлигини аниқлаш ва корхонада конунчиликка риоя қилинишини ўрганиш мақсадида бошқа молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар билан танишиб чиқилди ва улар билан молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўртасида муҳим зиддиятлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилинди.

Корхона фаолиятини бошқариш ва молиявий ҳисобот учун раҳбар шахсларнинг масъулияти

Корхона раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботни Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек, фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Бошқарув юклатилган шахслар молиявий ҳисоботни тузиш жараёнида корхона яқин келажақда ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиши қобилиятини баҳолаши, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериши учун масъул ҳисобланадилар.

Бунда корхонани тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки бу ҳаракатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топилмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган молиявий ҳисобот ноҳўя ҳаракатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик ҳулосасини эълон қилишдан иборат.

Оқилона ишонч ишончининг юқори даражаси бўлса-да, АХС ларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди.

Бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса, ноҳўя ҳаракатлар натижаси деб қаралади ва муҳим бўлиб ҳисобланади.

Аудиторлик текширувини ўтказишнинг барча жараёнларида биз АХС га мувофиқ профессионал мулоҳазани қўллаган ва профессионал скептицизмни сақлаган ҳолда ҳаракат қилдик.

Аудиторлик текшируви жараёнида биз қуйидагиларни бажардик:

- корхона масъул шахсларининг номақбул ҳаракатлари ва хатолари таъсирида молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги таваккалчилик (риск) даражаси таҳлил қилинди;

- аудит таомилларини белгилаш мақсадида корхонадаги ички назорат тизими тўғрисида тушунчага эга бўлинди;

- корхонанинг ҳисоб сиёсати ўрганиб чиқилди ва уни корхона фаолиятига мос қилиш даражасига баҳо берилди;

- корхона фаолиятининг узлуксизлиги борасида раҳбар шахслар берган баҳоларнинг ҳақиқатга мос қилиши тўғрисида ҳулоса қилинди;

- текширилаётган молиявий ҳисобот бўйича фикр билдириш учун етарли аудиторлик далилларининг йиғилганлик даражаси ўрганилди.

- молиявий ҳисобот, унинг таркиби ва мазмуни тўғрисида олинган маълумотларга умумий баҳо берилди ҳамда унинг ҳаққоний тақдим қилинганлик даражасига фикр билдирилди.

Бундан ташқари, аудиторлик ёзма ахборотида корхона раҳбариятига корхонадаги мавжуд ҳисоб ва назорат тизимини янада такомиллаштириш борасидаги тавсияларимизни баён қилдик ва корхона молиявий ҳолати таҳлили бўйича амалга оширган ҳисоб - китобларимизни тақдим этдик.

(имзо, муҳр)

ЭРГАШЕВА З.Э.

МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» АТ директори (аудитор)

180100. Ўзбекистон Республикаси,
Қарши шаҳри, И.Каримов номи кўча, 212-уй. Тел. 91-4603010
СТИР рақами 203 798 660.

04.03.2024 й.